

JÁMIYETLIK HÁM EKONOMIKALÍQ ILIMLER

Tariyx

АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА АЁЛЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ МАВҚЕИ ТАРИХШУНОСЛИГИДАН

Я.Абдуллаева - тарих фанлари доктори

А.Абдуллаева – Тарих факультети 2 курс талабаси

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: Амир Тему́р, темурийлар, маликалар, аёллар, таълим, тарбия.**Ключевые слова:** Амир Тему́р, темуриды, принцессы, женщины, образование, воспитание.**Key words:** Amir Temur, temurids, princesses, women, education, upbringing.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигига эришгандан кейин ўтмиш тараққиётининг ёзилмаган босқич ва кирраларини қайтадан кашф этиш учун кенг имкониятлар яратилди. Шу жумладан, хотин-қизлар масаласига ҳам эътибор ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Мухтарам Шавкат Мирзиёев томонидан «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонида» [1] хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш бўйича муҳим стратегик ҳаракатлар дастури ишлаб чиқилди.

Дунёда шундай катта бир куч борки, бу куч жамият таянчи, тараққиёт мезони сифатида эътироф этилади. Мазкур куч ортида мухтарам онахонларимиз, мунис опа-сингилларимиз ва ўз сўзига эга дугоналаримиз туради. Афсуски, бу гўзал жинс вакилларининг ижтимоий ҳаётдаги ўрнига муайян тарихий тараққиёт босқичларида турлича қарашлар мавжуд бўлди, улар фаолияти ҳамма вақт ҳам адолатли баҳоланмади. Лекин шунга қарамадан, асрлар давомида инсоният тараққиётига хизмат қилувчи ижтимоий-фалсафий ғоялар яратган буюк файласуфларни ҳам ўша аёл дунёга келтириб, тарбиялаб, шу даражага етказганини унутмаслик керак.

Гендер тенглик бобида шарқона қарашлар ўзига хос бўлиб, инсоният ҳаётининг моҳияти ҳалол ва покликда, эзгулик ва фозилликда, адолат ва фаровонликда, тенглик ва дўстликда эканлигини назарда тутди.

Буюк соҳибқирон Амир Тему́р ва унинг авлодлари билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий ҳаётни ўрганар эканмиз, юкоридаги фикрларга тўлақонли амин бўламиз. Барча инсонлар Худо олдида тенгдирлар ёки «Оллоҳ бирор неъмат билан бирингизни бирингиздан ортик қилиб қўйган бўлса, сизлар уни (ҳасад-адоват билан) орзу қилманг! Эраклар ҳам ўз меҳнатларидан насиба олурлар, аёллар ҳам ўз меҳнатларидан насиба олурлар» [2], - деб таълим берувчи диний ўғитларга содиқ ҳолда Амир Тему́р ўз даврида аёлларга алоҳида эътибор, ҳурмат-икром кўрсатишни йўлга қўйди. Айниқса, ақл-идрокли, фаросатли ва билимли аёлларни улуғлади.

Амир Тему́р ўзининг «Ўғитлари»да ўғилларим, набираларим ва яқинларимни уйлантирмоқ ташвишида келин изламоққа эътибор бердим. Бу ишларни давлат юмушлари билан баварар кўрдим: насл-насабини, етти пуштини суриштирдим. Хос одамлар орқали саломатлигини аниқладим. Келин бўлмиш насл-насаби, одоб-ахлоқи, соғлом ва бақувватлиги билан барча қусурлардан холи бўлсагина эл-юртга тўй-томоша бериб, келин туширдим» [3], - дейди.

Машҳур тарихчи Азамат Зиё [4] жуда кўп фактик материалларга эга бўлган ўзбек давлатчилиги тарихига оид ноёб китоб ёзган. Ушбу китоб давлатчилик тарихи бўйича ёзилган китоблар ва тадқиқотлар ичида энг қизиқарлиси бўлиб ҳисобланади. Китобда Тему́р ва темурийлар даври, хотин-қизлар ва уларнинг давлат бошқарувидаги ролини фактик материаллар асосида илмий тадқиқ этилган.

И.Мўминов [5] «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли» асарида Амир Тему́р сиймосини гавдалантирган. А.Ўринбоев [6] «Амир Тему́р аждодлари» асарида темурийзода-

лар ҳақида қизиқарли маълумотларни беради. Р.Годен [7] эса, «Гулбадан» номли асарида ҳақиқий гўзал ва оқила аёлни тасвирлайди. С.Азимжонов [8] «Гулбаданбегим»га бағишланган мақоласида ҳам билимли, ўта фаросатли ва оқила аёл ҳақида сўз юритган.

Турғун Файзиев [9] ўзининг «Тему́рий маликалар» китобида жуда қизиқарли маълумотларни келтиради. Дарҳақиқат, тарихга назар ташлайдиган бўлсак, оқила, зукко аёлларимизнинг сиёсий томондан билимдон ва фаоллигига гувоҳ бўламиз. Масалан, Амир Темурнинг суюкли хотини Сароймулкхонимнинг мушкул вазиятларда соҳибқиронни доно маслаҳатлари билан қўллаб-қувватлагани ўша даврда европалик элчи Клавихо томонидан ҳам таъкидланган. Сароймулкхоним нафақат Тему́р фарзандлари ва невараларининг меҳрибон тарбиячиси, балки бунёдкор ва яратувчи малика тимсоли ҳамдир. Унинг саяё-ҳаракати билан қурилган мадраса, хонақоҳ ва бошқа иншоотлар Шарқ аёлининг ақл-идроқи, ижтимоий-сиёсий фаоллиги намунаси сифатида ҳозиргача сақланиб келмоқда. Зеро тему́рий маликалар... Бибихоним, Тағой Туркон ого, Мулкат ого (Мулк ого), Гавҳаршодбегим, Гулбаданбегим, Моҳларойим ва бошқалар. Улар Мовароуннахрнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутган фарзандлар тарбиялабгина қолмасдан, давлат ишларида ҳам фаол бўлган. Тарихий маълумотларга кўра ҳаётини китоб мутолаасига бағишлаган Шохруҳ Мирзонинг девон ва салтанатни бошқаришда яқин ёрдамчиси ўқтам ва тadbirkor аёли – Гавҳаршодбегим бўлганлигини таъкидлайди. Мулкат ого ҳам Гавҳаршодбегим каби сиёсий фаол бўлиб, қатор бунёдкорлик ишларида бош-қош бўлган. Хиротда «Дорулхадис» номли хонақоҳ, иккита ҳаммом, Хиротдан Амударёга борадиган йўл устида битта раббат, Балх шаҳрида бир мадраса, бир «Дорулшифо» қурилиши унинг номи билан боғлиқ.

Алоҳида таъкидлашни истардикки, тему́рий маликаларининг ичидан тарихчи олима ҳам етишиб чиққан. Ўрта асрларда машҳур бўлган Шарқда биринчи тарихнавис – манбашунос олима Бобурнинг кенжа қизи Гулбаданбегимнинг тадқиқотини айтиб ўтиш жоиздир. У 1522 йил Қобулда туғилган, 1603 йил Аграда вафот этган. Тему́рийлардан Гулбаданбегим Акбаршоҳ, бобоси Бобуршоҳ ва отаси Ҳумоюншоҳнинг ҳукмдорлик фаолияти ҳақида тарихий бир асар яратиш ҳақида фармони олий қабул қилади. Шу одатга кўра Гулбаданга: «Фирдавс макон» (Бобуршоҳ) ва «Жаннати ошиён» (Ҳумоюншоҳ) «ҳақида нимаики билсангиз, батафсил ёзингиз» деган мазмунда фармон беришган. Шу тарика Гулбаданбегимнинг ўзи ҳам асар ёзди. «Ҳумоюннома» форс тилида ёзилган [10]. Китобда Мовароуннахр, Қобул, Хуросон, Ҳиндистондаги тарихий, географик жойлар, воқеа ва ҳодисалар тилга олинган. «Ҳумоюннома» А.Беверидж хоним (Англияда) томонидан 1902 йили ихлоқлари билан нашр этилган.

Ушбу мавзунинг ўрганишда интернет материалларидан ҳам кенг фойдаланилди.

Диний ва дунёвий илмлар ривожига кенг имкониятлар яратган буюк соҳибқирон Ўрта Осиё тарихида иккинчи Уйғониш даврини яратди. Жамият ва давлат равнақида маънавият, маърифат, адолат устуворлигига эришган давлат арбоби яратган шарт-шароит ва имкониятлар туфайли тему́рий маликалар асрларга татигулик муваффақиятларни қўлга киритдилар.

Узоқ ўтмишдаги аёлларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги фуқаролик жамиятини кўраётган бугунги авлод вакилларини уларга муносиб ворис бўлишга даъват этади, албатта.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. // Халқ сўзи. 2017. 7 февраль. № 27.
2. Курьони карим. Нисо сураси. -Т.: 1992, 58-б.
3. Амир Тему́р ўғитлари. -Т.: Наврўз.1992. 58-б.
4. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. -Т.: 2000. 368-б.
5. Турғун Файзиев. «Тему́рий маликалар». –Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1994.
6. Годен. Р. Гулбадан. Т. -Т.: «Шарқ», 2007. 174-б.
7. Азимжонов С. Гулбаданбегим. Саодат. № 10, 1990.
8. Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Ўз.РФА. –Т.: «Фан», 1993. 15-17-б.
9. Ўринбоев А. Амир Тему́р аждодлари. Қомуслар бош тахририяти. -Т.: 1992, 5-6-б.
10. Гулбаданбегим. Ҳумоюннома. –Т.: «Фан», 1959.

Ушбу мақолада Амир Тему́р ва темурийлар даврида хотин-қизларнинг жамият тараққиётидаги ўрни ва аҳамиятига бағишланган баъзи асарлар таҳлилига алоҳида ургу берилган.

В этой статье изучены некоторые работы, посвященные значению и роли женщин в развитии общества в период Амира Тему́ра и темуридов.

In this article some works devoted to value and the role of women in development of a society in the period of Amir Temur and the temurids.